

Азов мадрасасида Қуръонни энг яхши ўқувчи танлови ўтказилди



08:07 / 27.12.2021 1859

Имом Мотуридий номидаги Азов ислом илмлари мадрасаси талабалари ўртасида «Қуръонни энг яхши ўқувчи» танлов мусобақаси ўтказилди. Танловда жами 15 киши иштирок этди. Талабаларнинг Қуръони Карим қироатларини мадраса мударрисларидан иборат ҳакамлар ҳайъати баҳолаб борди.

Қуръон қироати мусобақаси ҳарфларнинг махражи, тажвид қоидалари, мақом каби мезонларга асосланган ҳолда баҳоланди.

Танлов натижаларига кўра олий ўрин учинчи босқич талабаси Сейитмер Абдурахимовга насиб этди. У Қуръонни энг яхши ўқувчи деб топилди. Ҳакамлар ҳайъати иккинчи ўринни учинчи босқич талабаси Билал

Энверовга берди.

Учинчи ўринни эса иккинчи босқич талабаси Эреджеп Осмонов эгаллади.

Танловда иштирок этган Қуръонни энг яхши ўқувчи қориларни Азов ислом илмлари мадрасаси раҳбари Эдем Люманов муборакбод этди. Мукулмонларнинг Муқаддас Китобини ўрганишда ва қироат қилишда тиришқоқлик ҳамда комилликка интилаётган йигит қориларни олқишлади. Танлов сўнгида энг яхши Қуръон қориларига фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалар топширилди.